

«Ўзпахтасаноат» уюшмаси  
«PAXTASANOAT ILMIY MARKAZI» ОАЖ

**УРУҒЛИК ЧИГИТ ТАЙЁРЛАШ  
ТЕХНОЛОГИК РЕГЛАМЕНТИ**

**ПДИ 22-2010**

Тошкент 2010

Технологик регламент «Уруғлик чигит тайёрлаш технологик регламенти»га ПДИ 07-2008 ўзгартиришлар киритилган холда унинг ўрнига ишлаб чиқилди ва пахта саноати бирлашмалари тизимидағи уруғлик чигит тайёрлаш цехларида фойдаланиш учун тавсия этилади.

Регламентни ишлаб чиқишида "Paxtasanoat ilmiy markazi" ОАЖ, ЎзР ФА ЭИ ва бошқа ташкилотларнинг илмий ишлари натижалари, стандартлар ва меъёрий ҳужжатлардан фойдаланилди.

Ижрочилар рўйхати: "Paxtasanoat ilmiy markazi" ОАЖ Уруғлик чигит тайёрлаш лабораторияси мудири, т.ф.н. Р.К.Джамолов, катта илмий ходим В.Х.Тўйчиев, илмий ходим Ж.Х.Бобоев, кичик илмий ходим М.Солиходжаев, кичик илмий ходим Ж.Абдукаримов, кичик илмий ходим Ж.Хожиматов.

«Ўзпахтасаноат» уюшмаси уруғлик чигит тайёрлаш бўлими бошлиги, т.ф.н. Б.Г.Ракипов.

«Paxtasanoat ilmiy markazi» ОАЖ бош директори

Б.Я.Кушакеев

Бош директорнинг илмий ишлар бўйича муовини

М.Агзамов

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги Вазирлиги Fўза уруғчилиги республика Маркази бошлиги Т.Саттаров, «Ўздавурутназоратмарказ» бошлиги Р.Курбонов, «Ўзпахтасаноат» уюшмаси Пахта ва уруғлик чигит тайёрлаш бошқармаси бошлиги А.Абдусатторов ва уруғлик чигит тайёрлаш бўлими бошлиги В.Г.Ракипов билан келишилди.

«Ўзпахтасаноат» уюшмаси бошқарув раисининг биринчи муовини А.Х.Иноғомов томонидан тасдиқланган.

Жорий этиш санаси - 2011 й. 1 январ.

Амал қилиш мuddати – 5 йил

## КИРИШ

Ўзбекистонда асосан тукли ва туксизлантирилган уруғлик чигитлар экилади. Сўнгги йилларда кам тукли уруғлик чигит билан экиш технологияси ҳам жорий қилинмоқда.

«Уруғлик пахтани қайта ишлаш ва уруғлик чигит тайёрлаш технологик регламенти» ПДҚИ 44-2002 нинг ишлаб чиқарилганидан бери «Пахтасаноат» тизимида уруғлик чигит тайёрлаш технологиясига янги замонавий машина ва ускуналарнинг киритилиши технологик тизимда кўпгина ўзгартиришларга олиб келди.

Ушбу регламент «Уруғлик пахтани қайта ишлаш ва уруғлик чигит тайёрлаш технологик регламенти» ПДҚИ 44-2002 ва «Уруғлик чигит тайёрлаш технологик регламент»га ПДИ 07-2008 қўшимчалар киритиб унинг ўрнига ишлаб чиқилди ва уруғлик чигит тайёрлаш учун ихтисослаштирилган пахта тозалаш корхоналарида амалиётда ишлатилаётган ва замонавий машиналарни ҳисобга олади.

Регламент тукли, механик усулда туксизлантирилган ва кам тукли уруғлик чигит тайёрлаш технологияларига, дорилаш ва қоплаш жараёнини қўшган ҳолда қўйиладиган асосий талабларни аниқлайди.

Пахтани қайта ишлаш корхоналарида уруғлик чигит тайёрлаш марказлаштирилган тартибда амалга оширилади. Уруғлик чигит уч кўринишда – тукли, туксизлантирилган ва кам тукли ҳолда тайёрланиши мумкин. Механик туксизлантириш ўз навбатида бир ёки икки босқичда туксизлантириш технологияси билан амалга оширилиши мумкин.

Уруғлик чигитнинг сифати О'zDst 663: 2006 талабларига мос келиши шарт.

### 1. ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ УМУМИЙ ХАРАКТЕРИСТИКАСИ

Уруғлик чигитини қабул қилиш, сақлаш ва уруғлик чигит тайёрлаш шароитларига эга бўлган ва ушбу технологик регламент талабларига мос келувчи уруғлик чигит тайёрлаш цехларида ишлаш мумкин.

Ишлаб чиқарishнинг иқтисодий кўрсаткичларини оширувчи, уруғлик материалнинг сифатини оширишга қаратилган регламентда мавжуд бўлмаган технология ва машиналарнинг қўлланилишига, бундай ўзгаришларни 3 ой ичида белгиланган тартибда ушбу регламентга қўшимча сифатида расмийлаштириш ва уларни регламентнинг ажралмас қисмига айлантириш шарти билан рухсат этилади.

Эслатма: илмий изланишлар ва тажриба-конструкторлик босқичларида турган техника ва технологиялардан фойдаланишга истисно тариқасида рухсат бериш мумкин.

#### Урұглик чигитнинг сифат күрсаткичлари

Урұглик чигитларнинг авлодлари бўйича нав тозалиги O'zDst 663:2006 /4/ Урұглик чигит Техникавий шартлари стандарти бўйича қўйиладиган кўйидаги талабларга мос келиши шарт (1-жадвал).

1-жадвал

Чигит авлоди	Нав тозалиги камидা, %
Суперэлита, Элита	100
R1	99
R2	98
R3	96

Унувчанлиги, намлиги (намликнинг массавий улушки), ифлослиги (минерал ва органик аралашмаларининг массавий улушки), туклилиги, механик шикастланганлик ва қолдиқ толалик кўрсаткичлари бўйича урұглик чигит 2-жадвалда келтирилган мъёёрларга муносиб бўлиши керак.

2-жадвал

#### Урұглик чигитнинг сифат күрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Меъёри, %		
	тукли чигит учун	кам тукли чигит учун	туксизлан- тирилган чигит учун
Унувчанлиги, камидা	90,0	90,0	90,0
Намлик (намликнинг массавий улушки), кўпи билан	10,0	10,0	10,0
Ифлослик (минерал ва органик ифлосликларнинг массавий улушки), кўпи билан	0,7	0,5	0,3
Механик шикастланганлиги, кўпи билан	7,0	8,0	8,0
Туклилиги, кўпи билан	-	2,5	0,5
Қолдиқ толадорлиги, кўпи билан: - тукли чигитлар учун	0,8		
	- табий туксизлантирилган чигитлар учун	0,4	

Туклилиги бўйича туксиз ва кам тукли урұглик чигит белгиланган тартибда тасдиқланган намуналарга мос келиши керак.

Туксиз ва кам тукли чигит тайёрлаш цехига юборилган тукли уруғлик чигитларнинг механик шикастланганлиги 4,0%дан кўп бўлмаслиги керак.

Туксизлантирилган уруғлик чигитнинг экиш учун мўлжалланган фракциясининг ўлчамлари бўйича бир текислилиги 94 % дан кам бўлмаслиги, тўкилган дорилаш аралашмасининг мавжудлиги эса 0,5 %дан ошмаслиги керак.

Уруғлик чигитларда бегона аралашмалар, бегона ўт уруғи, тирик зааркунанда ва уларнинг личинкалари бўлишига йўл қўйилмайди. Куйган чигит мавжуд уруғлик чигит экишга рухсат этилмайди.

Уруғлик чигитлар қопларга жойланади. Дориланган уруғлик чигитлар ГОСТ 2226 бўйича уч қатламли қоғоз қопларга массаси 30 kg дан оширмасдан қопланиши керак. Ҳар бир қопнинг оғзи зич қилиб беркитилган бўлиши керак.

Қопланган уруғлик чигит ГОСТ 14192 бўйича белгиланади, ҳар бир қоп устига корхона номи, маҳсулотнинг номи, ҳосил йили, тўда тартиб рақами, селекцион нави, авлоди, унувчанлиги ва O'zDst 663:2006 Уруғлик чигит техникавий шартлари стандарти асосида белгиланиши ва Ўзбекистон ҳудудидан ташқарига тарқатиладиган бўлса «O'zbekistonda ishlab chikarilgan» сўzlари кўрсатилган ёрлиқ ёпиштирилади.

Туксизлантирилган чигитлар учун ёрлиқда қўшимча равишда туксизлантириш усули кўрсатилади. Дориланган чигит қопларга ГОСТ 19433 бўйича «Захарли модда билан дориланган» сўzlари ёзилади.

Уруғлик чигит тайёрлаш жараёнидаги технологик режимларни шундай танлаш керакки, бунда тозалаш ва саралаш машиналаридан чиқаётган тукли техник фракциялари чиқишининг умумий миқдорини дастлабки чигитнинг унувчанлиги 95% дан 100% гача бўлган ҳолларда 5% гача, унувчанлиги 90% дан 94% гача бўлган ҳолларда 10% гача миқдорда бўлсин. Туксизлантирилган техник чигитнинг чиқиш миқдори эса 5% га teng қилиб қабул қилиш тавсия этилади.

Туксизлантирилган ва кам тукли уруғлик чигитларни жойлаш ва маркалаш, қабул қилиш, сақлаш, жўнатиш ва сифат кўрсаткичларини назорат қилиш услублари O'zDst 663:2006 техникавий шартлари бўйича олиб борилади. Бунда унувчанлик O'zDst 1128:2007 бўйича аниқланади.

Уруғлик чигитлар тўдаларда алохида-алохида қилиб ёғоч тагликлар устида тахланиб сақланади.

Тахланган штабелларнинг метрдаги ўлчамлари қуидагилардан ошмаслиги керак:

	узунлиги	эні	баландлиги
Тукли чигитлар учун	20	15	3
Туксизлантирилган чигитлар учун	18	12	3
Кам тукли чигитлар учун	18	12	3

Штабеллар орасидаги масофа, ҳамда штабеллар ва хона деворлари орасидаги масофа 1 м дан кам бўлмаслиги керак.

Экишга тайёрланган уруғлик чигитлар уларнинг сифат кўрсаткичлари бузилишининг олдини олиш мақсадида штабелларга тахланган уруғлик чигит партиялари экишга ёки чигит тарқатиш шаҳобчаларига йўналтирилгунига қадар ўрнидан қўзғатилиши мақсадга мувофиқ эмас.

Изоҳ. Бу талаблар уруғлик чигитларнинг механик шикастланиш даражасининг ортиб кетиши, қоп ва қоплардаги ёрлиқларнинг йиртилиши, чигитларнинг ерга сочилиши, атроф муҳитга заҳарли моддаларнинг тарқалиши, ҳамда нав ва авлодларнинг бир-бирига аралашиб кетишининг олдини олишга қаратилган.

Сақланаётган уруғлик чигитларнинг сифати «Ўздавуругназоратмарказ» нинг жойлардаги пахта уруғчилик лабараториясида ҳар икки ойда текширилиши керак. Намуна олиш усули O'zDst 1080:2005, анализ қилиш эса ГОСТ 21820.2- ГОСТ 21820.4-76 бўйича олиб борилади.

«Ўздавуругназоратмарказ» уруғлик чигитни қайта ишловчи корхона буюртмасига асосан уруғлик чигит партияларига мувофиқлик сертификати беради. Сертификатнинг амал қилиш муддати 2 ой. Муддат ўтгандан сўнг чигитнинг сифати қайта лаборатория таҳлилларидан ўтказилади.

Такрорий текширувда чигит сифати ўзгармаган бўлса, сертификатнинг амал қилиш муддати яна 2 ойга чўзилади. Агар уруғлик чигит партиялари лаборатория таҳлилларидан ўтказилганда сифат кўрсаткичлари ўзгарса, қайта мувофиқлик сертификат олиш учун мурожат қилинади.

Корхоналардан сертификланмаган уруғлик чигитларни истеъмолчига сотиш ёки бериб юбориш таъқиқланади.

Уруғлик чигитлар тўдалар бўйича қабул қилинади. Агарда ифлослиги (минерал ва органик аралашмаларнинг массавий улуши), ёки механик шикастланганлиги, ёки туклилиги, ёки намлиги (намликнинг массавий улуши), ёки унувчанлиги белгиланган меъёrlарга мос келмаса чигит O'zDst

596 Техник чигит. Техникавий шартлар бўйича қабул қилинади. Яъни техник чигиттага ўтказилади.

Уруғлик чигит тўдаси намликтинг массавий улуши ҳамда минерал ва органик аралашмаларнинг ҳисобий массавий улушига келтириб чиқарилган кондицион масса бўйича қабул қилинади.

Чигитнинг кондицион массаси ( $M_k$ ) қуидаги формула бўйича аниқланади.

$$M_k = M_f \times \frac{100 - (W_f + C_f)}{100 - (W_b + C_b)}$$

бунда:  $M_k$  - чигитнинг кондицион массаси, kg;

$M_f$  - чигитнинг ҳақиқий массаси, kg;

$W_f$  - чигитнинг ҳақиқий намлиги, %;

$C_f$  - чигитнинг ҳақиқий ифлослиги, %;

$W_b$  - чигитнинг ҳисобий намлиги, 10%;

$C_b$  - чигитнинг ҳисобий ифлослиги, 0,5%.

Дориланган уруғлик чигит қоплари қуруқ ва яхши шамоллатиб туриладиган ёпиқ омборларда ёки бостирмаларда сақланади ва қоплар тўдаларда алоҳида-алоҳида қилиб ёғоч тагликлар устида тахланиб сақланади. Ҳар-бир уруғлик чигит тўдасига паспорт осилган бўлиб, унда маҳсулотнинг номи, тўда тартиб рақами, селекцион нави, авлоди, унувчанлиги, дала гурӯҳи, тўданинг ҳақиқий ва кондицион массаси, ҳосил йили кўрсатилган бўлади ва ким масъуллиги ёзиб қўйилади.

Уруғлик чигит сақланаётган омбор ёки бостирмаларда агрегатларни сақлаш руҳсат этилмайди.

Технологик жараённинг бажарилишидаги асосий сифат кўрсаткичлари қуидагicha:

Чигитни тозалаш ва саралашга узатиш нотекислиги - ±5%.

Тозалаш эфекти: оғир аралашмалар бўйича - 100%,

майда аралашмалар бўйича - 20% дан кам эмас.

1000 дона чигит массасининг ортиши - 2 g дан кам эмас.

Технологик ускуналардан атмосферага чиқариб ташланадиган ҳавонинг чангдорлиги рухсат этилган чегара концентрацияси (ЧК) дан ошмаслиги, иш зонасидаги ҳавода дорининг микдори препаратнинг йўриқномасида кўрсатилган микдоридан кўп бўлмаслиги керак (5).

## 2. УРУҒЛИК ЧИГИТ ТАЙЁРЛАШ

Уруғлик чигитни тайёрлашдан аввал уруғлик чигит тайёрлаш цехининг асосий ва ёрдамчи технологик ускуналарини ростлаб олиш зарур. Бунинг учун уруғлик чигитнинг қайси селекцион нави дастлаб ишланса, шу селекцион навга тегишли техник чигитнинг I саноат нави дастлабки ишлашга киритилиб, асосий ва ёрдамчи ускуналарнинг технологик параметрлари ростланиб олинади.

Ростлаш вақтида назорат қилинадиган параметрларга чигитнинг механик шикастланиши, туклилигини қабул қилиш лозим.

Уруғлик чигит тайёрлаш цехидаги асосий ва ёрдамчи технологик ускуналарни ростлаш ишлари бажарилгандан сўнг техник чигит қолдиқларидан тозаланиши шарт. Тозалаш ишлари ўтказилганлиги тўғрисида пахта тозалаш корхонасининг масъул мутахассислари ва уруғлик лабораториясининг ходимлари иштирокида далолатнома тузилади.

Уруғлик чигит ишлашда дастлабки 10 дақиқа давомидаги олинган уруғлик чигит корхонанинг масъул мутахассислари, уруғлик чигит товаршуноси ва техник чигит товаршуноси иштирокида далолатнома тузилиб, техник чигитга ўтказилади. Бунда чигит тарозида тортилиб, массаси кўрсатилиши ва уруғлик чигит товаршуноси топширдим, деб, техник чигит товаршуноси қабул қилдим, деб имзо қўйиши шарт.

Уруғлик чигит тайёрлашда паст репродукцияларни ишлашдан сўнг юқори репродукцияга ўтишда, ёки бир селекция навидан бошқа селекция навини тайёрлашга ўтганда уруғлик чигит тайёрлаш цехининг асосий ва ёрдамчи технологик ускуналарини тозалаш ишлари ўтказилиши лозим. Тозалаш ишлари тугалланганидан ўнг уруғлик чигит тайёрлашга юборилади, уруғлик чигит ишлашда дастлабки 10 дақиқа давомида олинган маҳсулот юқорида келтириб ўтилганидек агарда паст репродукциядан юқорига ўтиш вақтида бўлса, у холда паст репродукцияга ўтказилади. Агар навдан навга ўтишда эса, у холда техник чигитга далолатнома асосида ўтказилади.

Бу тавсияга амал қилинса тайёрланаётган уруғлик чигитларнинг сифатли бўлишига замин бўлади.

Уруғлик чигитни тайёрлаш, дорилаш ишлеш тутатилгандан сўнг ҳам уруғлик чигит тайёрлаш цехининг асосий ва ёрдамчи технологик ускуналарини тозалаш ишлари ўтказилиши шарт. Бунда ҳам пахта тозалаш корхонасининг маъсул мутахассислари, уруғлик чигит товаршуноси ва техник чигит товаршуноси иштирокида далолатнома тузилади.


## 2.1. Тукли уруғлик чигит тайёрлаш

Тукли уруғлик чигит тайёрлаш жараёни қуйидаги асосий амаллардан иборат: чигитни ифлосликлардан ва ташқи аралашмалардан тозалаш, саралаш, линтерлаш, қайта саралаш, дорилаш, қадоқлаш ва қопларга жойлаш.

Уруғлик чигит тайёрлаш жараёнида асосий маҳсулот сифатида тукли дориланган уруғлик чигит олинади. Шунингдек техник чигит, саралаш чиқиндилари ва таркибида калта тола бўлган тозалаш ва саралаш чиқиндилари ҳам ажралиб чиқади.

1-расмда тукли уруғлик чигит тайёрлашда ишлатиладиган замонавий технологик ускуналарнинг ўрнатилиш кетма-кетлиги кўрсатилган.

Тукли уруғлик чигит тайёрлаш технологик ускуналари тизимишинг ўрнатилиш кетма-кетлиги схемаси



1- қабул қилиш бункери УПС; 2- ЧСА агрегати; 3- МЧТ механик чигит тозалагич (ЧСА агрегати мажмуасига киради); 4- циклон; 5- тукли чигит саралаш ва тозалаш машинаси; 6- БДОС бункер дозалагич; 7- дорилагич; 8- ифлос ҳавони тозалаш курилмаси; 9- чигитни ўлчаб қоплаш аппарати; 10- қоп тикиш машинаси; 11- элеваторлар; 12- 5ЛП линтери; 13- йигувчи винтли конвейер; 14- тақсимловчи винтли конвейер

1-расм

Уруғлик чигитни ифлослик ва ташқи аралашмалардан тозалаш, саралаш ЧСА агрегатида ва L-JS-4/L саралагичида, дорилаш эса Jubus D-2-

VH ёки ППС-05 универсал дорилаш машиналари ёрдамида амалга оширилади.

Корхоналардан келаётган тукли уруғлик чигитнинг туклилигини камайтириш билан экиш машиналарида экиш қулайлитетини ошириш мақсадида 5ЛП линтерлари ишлатилади, линтердан ўтган чигитларни Jubus L-JS-4/L машинасида сараланиб тозаланади.

Тукли уруғлик чигит тайёрлаш жараёнининг узлуксиз ишлапшини таъминлаш ва дорилаш ишларини сифатли амалга ошириш мақсадида чигитларни вақтинча йиғиб туриш ва уни дорилашга мълум миқдорда дозалаб узатиш учун цехда бир нечта БДОС бункерлари ўрнатилади.

Ишлаб чиқаришнинг лойиҳавий қуввати ва иш режими:

- |  |              |
|--|--------------|
| - уруғлик чигит тайёрлаш ва дорилаш тизимининг<br>иш унумдорлиги | - 2700 kg/h; |
| - иш режими - мавсумда 1.12 дан 25.02 гача, 8 с дан 3 сменада;   |              |
| - фойдали вақт коэффициенти                                      | - 0,75;      |
| - мавсумдаги иш вақти  | - 1260 h;    |
| - маҳсулотнинг йиллик чиқиши                                     | - 2500 t.    |

Изоҳ. Уруғлик чигит тайёрлаш цехлари ўтувчи фонд учун ишлаганида ишни тутатиш муддатлари билан чегараланмайди.

Стандартда келтирилмаган тукли уруғлик чигит тайёрлаш цехларидаги уруғлик чигитларнинг айрим физик-механик хусусиятлари 3-жадвалда кўрсатилган.

### 3-жадвал

Тукли чигит тайёрлаш цехи маҳсулотининг стандартда кўрсатилмаган асосий физик-механик хусусиятлари

Кўрсаткичларнинг номланиши	Ўлчов бирлиги	Дориланган тукли чигит	Тукли чигит (сарабаш чиқиндилари)
Нисбий массаси	kg/m3	420	300
Ишқаланиш бурчаги	rad	0,5-0,7	0,5-0,8
Қолдиқли толадорлиги	%	Кўпি билан 0,8	-
Намлиги	%	O'zDSt 663 бўйича	10

Саралашдан ажратилган тукли техник чигитлар O'zDSt 596 бўйича мой ишлаб чиқариш корхоналарига тоширилади. Тозалаш ва саралаш

ускуналирининг чиқиндилари қайтарилилмас чиқитларга киритилади. Уларни ўғит сифатида ерларга ташлаш мумкин.

2.1.1. Тукли уруғлик чигит тайёрлашда ишлатиладиган асосий технологик ускуналарнинг имконий носозликлари ва уларни бартараф қилиш усуллари

Технологияда иштирок этувчи ускуналарнинг имконий носозликлари ва носозликларни тузатиш усуллари 4-жадвалда келтирилган.

4-жадвал

**Ускуналарнинг имконий носозликлари, уларнинг сабаблари ва бартараф қилиш усуллари**

Носозликлар	Сабаблари	Бартараф қилиш усуллари
1	2	3
УПС тукли уруғлик чигит қабул қилиш бункери		
Подшипниклар қизиб кетади (750С дан катта)	Мойлаш материали йўқ. Втулкалар ортиқча сиқилган.	Мой қуйилсин. Втулкалар бўшатилсин.
Реле ишга тушади ва иш вақтида двигател ўчиб қолади.	Двигателга ортиқча куч тушган, чигит тиқилган.	Тиқилган жой бўшатилсин.
Подшипниклар ва ҳаракатлантиргичларда шовқин пайдо бўлади.	Подшипник емирилган, занжирлар бўшаган.	Подшипник, занжир алмаштирилсин.
Мой оқади.	Манжета емирилган.	Манжета алмаштирилсин.
ЧСА агрегати		
Тош йиққичга чигитлар тушади.	Ҳаво сарфи етарли эмас.	Сўриш вентилятори тўскичи винтли механизм ёрдамида ҳаво сарфи оширилсин
	Бўлгич ва бўлиш камераси девори орасидаги тирқиши оз.	Ричагли механизм ёрдамида тирқиши катталаштирилсин
	Қабул қилиш қувурида тирқиши катталашган.	Махсус винтли механизм ёрдамида тирқиши кичрайтирилсин
Оғир аралашмалар ажралмайди.	Ҳаво сарфи кўп.	Сўриш вентилятори тўскичи ёрдамида ҳаво сарфи камайтирилсин
Чиқиндиларга (техник фракцияга) соғлом чигитлар ажралади.	Ҳаво сарфи кўп.	Ҳаво сарфи 1,4-1,8 м <sup>3</sup> /с гача камайтирилсин.
	Сўриш вентилятори тўсқичининг ҳолати созланмаган.	Тўсқич оптимал ҳолатга келтирилсин.

Чигит ууруглик фракциясининг чиқиши оз бўлиб қолган.	Бўлгичлар ва бўлиш камераси девори орасидаги тирқиш кичик.	Ричагли механизм ёрдамида тирқиш катталаштирилсин.
Кўп чигит циклонга кетади.	Ҳаво сарфи юқори.	Сўриш вентилятори тўёскичининг винтли механизми ёрдамида ҳаво сарфи камайтирилсин.
Механик чигит тозалагич чиқиндиларига соглом чигитлар чиқарилади.	МЧТ механик тозалагич ғалвири йиртилган.	Ғалвир алмаштирилсин ёки газпайвандлагич билан тўсиқлар ҳосил қилмай пайвандлансан.
L-JS-4/L (Испания «Юбус») чигит саралаш машинаси		
Ууруглик фракциянинг чиқиши кам.	Юқори стандаги ғалвир тешиклари тиқилган.	Ғалвир тозалансин. Тозалаш қурилмаларининг бутунлиги текширилсан.
Ҳаво билан тозалашдан чиқарадиган шнекдан тўлиқ чигитларнинг чиқиши.	Ҳаво сарфи юқори	Ҳаво сарфи камайтирилсан.
БДОС тукли чигит бункер-дозалагичи		
Чигитнинг дозалагичга кириш худудида тиқилиш ҳосил бўлади.	Қозиқли–винтли валлар нотўғри ўрнатилган.	Валлар ўрни алмаштирилсан, уларнинг айланиш йўналиши тескари томонга ўзгартирилсан.
Реле ишга тушади ва иш вақтида двигател ўчиб қолади.	Двигателга ортиқча куч тушган, чигит тиқилган	Тиқилган жой бўшатилсан.
Чигит бериш бир текислиги бузилган.	Дозатор тароги қозиқлари эгилган ёки баъзилари синган.	Тароқ ҳолати текширилсан, қайрилган қозиқлар тўғрилансин, синганлари алмаштирилсан.
Кичик иш унумдорлигига чигит бир текис берилмайди	Аррали цилиндр ва қобиқнинг созланувчи девори орасидаги тирқиш катта бўлиб қолган.	Винтли механизм ёрдамида керакли иш унумдорлигига эришилгунча аррали цилиндр ва қобиқнинг созланувчи девори орасидаги тирқиш охиста камайтирилсан.

## 2.1.2. Тукли уруғлик чигит тайёрлаш босқичларида назорат турлари

Тукли уруғлик чигит тайёрлаш жараёнидаги назорат турлари 5-жадвалда көлтирилган.

5-жадвал

### Технологик жараён босқичларида назорат

Намуна олиш ёки параметрларни ўлчаш жойи, жараён босқичлари-нинг номи	Нима назорат қилинади	Назорат усули ва даври	Техник кўрсаткичлари ва меъёри	Назорат синов усули	Ким назорат қилади
1	2	3	4	5	6
Дастлабки чигит омбори	Уруғлик сифат кўрсаткичлари	Ҳар бир назорат бирлигига	Оз DSt 663:2006	Оз DSt 1080, 1128 ГОСТ 21820.2-21820.4	Пахта уруғчилиги лабораторияси
Ишлаб чиқаришга чигитни узатиш	Ишлаб чиқаришга узатилаётган чигитлар миқдори	Ҳар бир назорат бирлигига	Иш унумдорлиги, 3000 кг/соат	Тортис	ТНБ
Чигитни тозалаш ва саралаш (МЧТ нинг чиқиши тарновидан)	1000 дона чигит оғирлиги, механик шикастланганлиги, ифлослиги, қолдиқ толаси	Ҳар бир назорат бирлигига	1000 дона чигит оғирлигини 5 гр. гача ортиши, қолган кўрсатгичлар Оз DSt 663 бўйича	ГОСТ 21820.3	Пахта уруғчилиги лабораторияси, ТНБ
5ЛП линтерида чигитнинг тукдорлигини и камайтириш	Чигитнинг механик шикастланниши	Ҳар бир назорат бирлигига	1 % дан ошмасин	ГОСТ 21820.3	ТНБ

1	2	3	4	5	6
Уруғлик чигитни саралаш, саралагич тарновидан	1000 дона чигит оғирлиги, механик шикастланғанлиги, ифлослиги, қолдик толаси	Хар бир назорат бирлигіда Сменада 1 марта	Öz DSt 663:2006 бўйича Массаси 3 гр гача кўпайиши	ГОСТ 21820.3	Пахта уругчилиги лабораторияси
Дори аралашмасин и тайёрлаш, дори тайёрлаш бакидан	Аралашмал и суюқлик сифати	Хар бир назорат бирлигіда	Концентрацияси	Дорига берилади ган кўрсатма	Ўсимликларни ҳимоя қилиш станцияси, Аграном, ТНБ, Пахта уругчилиги лабораторияси
Уруғлик чигитларни дорилаш, қоплаш жойидан	Чигитларни дорилаш сифати Ҳамма сифатлари Öz DSt 663-2006 бўйича	Хар бир назорат бирлигіда Сменада камида 1 марта	Дорилаш тўлиқлиги Öz DSt 663-2006	ГОСТ 21820.2-21820.4 Öz DSt 1080:2005 Öz DSt 1128:2006	Ўсимликларни ҳимоя қилиш станцияси, Аграном, ТНБ

Хар ойда цехнинг дори ва чанг аралашма даражасини туман санитария эпидемиология назорати мутахассислари томонидан текшириб турилади.

## 2.2. Туксизлантирилган уруғлик чигит тайёрлаш

ÖzDSt 663:2006 бўйича туксизлантирилган уруғлик чигитнинг туклилиги кўпи билан 0,5% бўлиши керак.

Туксизлантирилган уруғлик чигит тайёрлаш, дастлабки чигитни ифлосликлардан тозалаш, саралаш, механик туксизлантириш, ўлчамлари бўйича калибрлаш, дорилаш, қадоқлаш ва қопларга жойлаш жараёнларини ўз ичига олади.

Бунда амалдаги икки босқичли туксизлантириш услуги ёки, 2006 йилда тармоқлараро синов комиссияси томонидан қабул қилинган УЧДМ (уруғлик чигит делинтерлаш машинаси) ишлатилган ҳолда, бир босқичли механик туксизлантириш услуги қўлланилиши мумкин. Бундан ташқари 2010 йилда

янги такомиллаштирилган УЧДМ-М уруғлик чигит туксизлантириш машинасини қўлланилиши мумкин.

Механик туксизлантириш услугини қўллаб уруғлик чигит тайёрлаш жараёнида туксизлантирилган ва дориланган ҳамда 2-жадвал талабларига жавоб берувчи уруғлик чигитлардан ташқари техник чигит, таркибида калта момик бўлган тозалаш, саралаш ва туксизлантириш чиқиндилари олинади.

Стандартда кўрсатилмаган туксизлантирилган уруғлик чигитни туксизлантириш цехларидан олинган маҳсулотларнинг асосий физик-механик хоссалари 6-жадвалда келтирилган (тукли чигит техник фракция тавсифи 3-жадвалда кўрсатилган).

#### 6-жадвал

##### Туксизлантирилган чигитларнинг физик-механик хоссалари

Кўрсаткичлар номланиши	Ўлчов бирлиги	Туксизлантирилган уруғлик чигит	Туксиз техник чигит
Туклилиги, қўпи билан	%	0,5	-
Ҳажмий массаси	kg/m <sup>3</sup>	600 – 650	500 – 600
Зичлиги	kg/m <sup>3</sup>	1000 – 1100	
Ишқаланиш коэффициенти		0,40 – 0,45	0,45 – 0,50
Унувчанлиги		O'zDSt 663-2006 бўйича	-
Ишқаланиш бурчаги	rad	0,25 – 0,40	0,30 – 0,50

Туксизлантирилган чигитларнинг техник фракциялари ўрнатилган тартибда O'zDSt 596 бўйича ёғ-мой ишлаб чиқариш корхоналарига жўнатиш мумкин.

1ЛБ ва ОС туксизлантириш машиналаридан чиқсан чиқиндилар қайтарилмас чиқитларга киради ва уларни чиринди сифатида тупроққа ташлаш мумкин.


#### 2.2.1. Икки босқичли туксизлантириш услуби билан туксизлантирилган уруғлик чигит тайёрлаш

Туксизлантирилган уруғлик чигит тайёрлаш икки ёки бир босқичли механик туксизлантириш цехларида амалга оширилиши мумкин.

Механик туксизлантириш услубини қўллаб уруғлик чигит тайёрлаш жараёнида туксизлантирилган дориланган уруғлик чигит, техник чигит, таркибида калта тола бўлган тозалаш, саралаш ва туксизлантириш чиқиндилари олинади.

2-расмда икки боқичли туксизлантирилган уруғлик чигит тайёрлашда қўлланиладиган технологик ускуналарнинг ўрнатилиш кетма-кетлиги схемаси келтирилган.

Икки боқичли туксизлантирилган уруғлик чигит тайёрлаш технологик ускуналар тизимининг ўрнатиш кетма-кетлиги схемаси



1-қабул қилиш бункери УПС; 2-ЧСА агрегати; 3- МЧТ механик чигит тозалагич (ЧСА агрегати мажмуасига киради); 4- тақсимловчи винтли конвейер; 5-циклон; 6-элеватор; 7-калибрлагич; 8-триер; 9-элеватор; 10- туксизлантирилган чигитни йифиш ва меъёрлаб узатиб бериш бункерлари БНОС; 11- чигит дорилагич; 12-ифлос ҳавони тозалаш курилмаси; 13- чигитни ўлчаб қоплаш аппарати; 14- қоп тикиш машинаси; 15-йигувчи винтли конвейер; 16- ОС туксизлантириш машинаси; 17-элеватор; 18-1 ЛБ колосникисиз линтери; 19- йигувчи винтли конвейер.

2-расм

Бунда дастлабки чигитни тозалаш ва саралаш ЧСА агрегатида, механик туксизлантириш 1ЛБ ва ОС машиналарида, калибрлаш Jubus L-JS-4 машинасида, узунлиги бўйича саралаш триер Jubus T-JS-7/1 машинасида, чигитни дорилаш, қадоқлаш ва қопларга жойлаш «Jubus» фирмасининг ускуналар мажмуасида амалга оширилади.

Туксизлантирилган чигитни вақтинча сақлаб туриб керакли миқдорда дорилашга бериш учун цехда БНОС туксизлантирилган чигитни йифиш ва меъёрлаб узатиб бериш бункерлари ўрнатилади.

Цехнинг лойиҳавий қуввати ва иш унумдорлиги, қўлланилаётган туксизлантириш машиналари 1ЛБ ва ОС ларнинг миқдорига боғлиқ. Масалан, туксизлантирилган уруғлик чигит тайёрлашда бир цехда тавсия этиладиган машиналар муносабати 4:6ни ташкил (4 дона 1 ЛБ ва 6 дона ОС)

этса, у ҳолда, якуний маҳсулот бўйича иш унумдорлиги қўйидагини ташкил этади:

- туксизлантирган дориланган чигит бўйича 1680 kg/h;
- иш режими – мавсумда, 1.12 дан 25.02 гача, 3 сменада;
- фойдали вақт коэффициенти - 0,75;
- мавсумий иш вақти - 1260 h;
- маҳсулотнинг йиллик чиқиши - 1500 t.

#### 2.2.2. Бир босқичли туксизлантириш услубини қўллаб туксизлантирилган уруғлик чигит тайёрлаш

УЧДМ ва УЧДМ-М машиналарини қўллаб туксизлантирилган уруғлик чигит тайёрлашнинг бир босқичли усули икки босқичда туксизлантириш усулинини қўллашга нисбатан анча авзалликларга эга. Бунда ҳар бир тонна уруғлик маҳсулотни ишлаб чиқаришда делинтерлаш жараёнида ўрта ҳисобда 20-25% электр энергияси тежалади, биттадан тақсимловчи ва йигувчи траспортер ва битта элеватор камроқ ишлатилади (3-расм).


Бу усул бўйича дастлабки чигит УПС бункеридан маълум меъорланган микдорда ЧСА агрегатига узатилади, унда тозаланади ва сараланади. Кейин УЧДМ машинасида керакли туклилиқ даражасигача делинтерланиб, калибрлагичда калибрланади, триерда узунлиги бўйича сараланади, дорилаш машинасида дориланади, чигитни ғлаб қоплаш аппаратида қадоқланади ва қоп тикиш машинасида қопларнинг оғзи тикилади.

УЧДМ делинтерлаш машинасининг дастлабки чигит бўйича иш унумдорлиги 500 кг/соат.

Цехнинг лоиҳавий қуввати ва иш унумдорлиги қўлланиладиган УЧДМ машиналари сонига боғлиқ. Цехда 6 дона УЧДМ машинаси бўлган ҳолда унинг иш унумдорлиги қўйидагича:

- туксизлантирилган дориланган чигит бўйича - 2100 kg/h;
- иш режими- мавсумда, 1.12 дан 25.02 гача, 3 сменада;
- фойдали вақт коэффициенти - 0,75;
- мавсумдаги иш вақти - 1260 h;
- йиллик маҳсулот чиқиши - 1900 t.

Бир босқичли туксизлантирилган уруғлик чигит тайёрлаш технологик ускуналари тизимишининг ўрнатилиш кетма-кетлиги схемаси



1 – УПС қабул қилиш бункери; 2 - ЧСА агрегати; 3 - МЧТ механик чигит тозалагич (ЧСА агрегати мажмусига киради); 4- циклон; 5 - калибрлагич; 6 - триер; 7- туксизлантирилган чигитни йигиш ва мөйөрлаб узатиб бериш бункери БНОС; 8 - чигит дорилаш машинаси; 9- чигитни ғлабап қоплаш аппарати; 10- қоп тикиш машинаси; 11- УЧДМ уруғлик чигит делинтерлаш машинаси; 12- ифлос ҳавони тозалаш қурилмаси

3-расм

### 2.2.3. Туксизлантирилган уруғлик чигит тайёрлашда ишлатиладиган асосий технологик ускуналарнинг имконий носозликлари ва уларни бартараф қилиш усууллари

Туксизлантирилган уруғлик чигит тайёрлаш технологик жараёнида чигитларни геометрик ўлчамлари бўйича саралаш, дорилаш ва қадоқлаш жараёнида Юбус фирмасининг машиналаридан фойдаланилади.

Технологиянинг бошқа жараёnlарида Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган ускуна ва машиналардан фойдаланилади ва уларнинг имконий носозликлари ва носозликларни тузатиш усууллари 7-жадвалда келтирилган.

7-жадвал

### Ускуналарнинг имконий носозликлари, сабаблари ва уларни бартараф қилиш усууллари

Носозликлар	Сабаблари	Бартараф қилиш усууллари
1	2	3
Тукли уруғлик чигит қабул қилиш, саралаш ва тозалаш жараёни 1.1. бўлимда келтирилган		
1ЛБ машинаси		
Чигитдан момиқ ажратиш камайган.	Металл чўткали барабанлар активлигини йўқотган.	Барабанлар қайтадан чархлансин.
Момиқ чиқариш кийинлашган ва момиқда чўтка симлари бор.	Ейилиш туфайли барабандаги симлар сина бошлаган.	Барабанлар алмаштирилсин.
Момиқда бутун чигитлар бор.	Машинадан айрилаётган ҳаво сарфи катта.	Ҳаво сарфи камайтирилсин.
Машинага чигит келиши тўхтайди ёки нотекис келади.	ИВА вариатори таъминловчи барабангага керакли айланишни бера	Ролик ва пластинкалар алмаштирилсин ёки пластинкалар тескари томони

	олмайди, унинг ролик ва пластинкалари эскирган.	билинг ўрнатилсан.
Металл чўткали барабанлар тиқилган.	Машинага тукли чигит берилиши кўпайган.	Чигит бериш камайтирилсан.
Туксизлантирилган чигит етарли чиқмайди.	Чигит оз берилади.	Чигит бериш кўпайтирилсан.
Таъминловчи барабан айланмайди.	Вариатор ўчирилган. Қайиш сирғанади.	Вариатор улансан. Қайиш тортиб қўйилсан ёки алмаштирилсан.

**ОС-1 (ОС) чигит туксизлантириш машинаси**

Чигитсиз айлантирилганда чўткали барабан ғалвирга тегади.	Галвирсимон корпус қотирилиши бўшагани оқибатида ўрнидан қўзғалган.	Ишчи камеранинг чўткали барабанга нисбатан ҳолати чўтка ва ғалвир орасидаги тирқиши ўлчаниб, созлансан.
Чигит юқори тукдорлик билан машинадан чиқмоқда.	Иш камерасидан чиқиш тўсқичлари ҳолати созланмаган.	Тўсқичлар ҳолати, двигателнинг юкланганлигини амперметр кўрсатиши билан назоратланиб созлансан.
Чигит юқори жароҳатланганлик билан чиқяпти.	Чўткали барабан ва ғалвир орасидаги тирқиши диаметри бўйича бир хил эмас.	Чўткали барабанларнинг ишчи камерага нисбатан ҳолати ғалвир ва чўткали барабан орасидаги тирқиши ўлчаб, созлансан.
Чигит таъминлагич тарнови бўйича сурilmайди.	Устки ишчи камеранинг чўткали барабанлари айланмайди.	Электродвигател уланиши электр схемаси текширилсан.

**УЧДМ чигит туксизлантириш машинаси**

Таъминловчи барабан айланмайди.	Вариатор ўчирилган. Қайиш сирғанади.	Вариатор ёқилсан. Қайиш тортилсан ёки алмаштирилсан.
Аррали цилиндрлар тиқиляпти.	Тукли чигитларнинг келиши кўпайган. Линтерланган чигитларнинг юқори секциядан чиқиши оз.	Чигит келиши камайтирилсан. Чигит чиқиши каттароқ очилсан.
Чигитсиз айлантирилганда чўткали цилиндр ғалвирга тегади.	Галвирсимон корпус қотирилиши бўшагани оқибатида ўрнидан қўзғалган.	Ишчи камеранинг чўткали цилиндрга нисбатан ҳолати чўтка ва ғалвир орасидаги тирқиши ўлчаниб, созлансан.
Чигит юқори тукдорлик билан машинадан чиқмоқда.	Тўсқичлар ҳолати созланмаган.	Тўсқичлар ҳолати, двигательнинг юкланганлигини амперметр кўрсатиши билан назоратланиб, созлансан.
Чигит юқори жароҳатланганлик билан чиқяпти.	Чўткали барабан ва ғалвир орасидаги тирқиши диаметри бўйича бир хил эмас.	Чўткали барабанларнинг ишчи камерага нисбатан ҳолати, ғалвир ва чўткали барабан орасидаги тирқиши ўлчаб,

		созлансин.	
Чигит таъминлагич тарнови бўйича сурilmайди.		Устки ишчи камеранинг цилиндрлари айланмайди.	
Момиқни ажратиш кийинлашган.		Аррали ёки чўткали цилиндрларнинг активлиги йўқолган	
L-JS-4 туксизлантирилган чигит тозалаш-сараблаш машинаси			
Галвирлар тиқилади.		Келаётган чигит миқдори жуда кўп ва ўта ифлос. Ҳаво сепараторида ҳаво сарфи кам.	Келаётган чигит миқдори камайтирилсан ва галвир тозалансин. Ҳаво сепараторида ҳаво сарфини кўпайтирилсан.
Ҳаво оқимининг тезлиги етарли эмас.		Сўриш қувури тиқилган бўлиши мумкин.	Сўриш қувури тиқилмаганлиги текширилсан ва зарур бўлса, тозалансин.
Чиқиндида чигитлар миқдори кўп.		Устки галвирнинг ошиқча юклангандиги.	Устки галвирнинг ошиқча юкланганини йўқотилсан, саралаш каналларида оқим камайтирилсан.
T-JS-7/1 триери			
Триер синик чигит ва думалоқ чиқиндиларини кам ажратади.		Триер новининг ишчи кирраси баланд қўйилган.	Триер новининг ишчи қирраси пастроқ қўйилсан. Триер цилиндри уяларининг ўлчамлари текширилсан.
Триер новидан чиқаётган чиқиндида соғлом чигитлар кўп.		Триер новининг ишчи кирраси паст қўйилган.	Триер новининг ишчи қирраси баландроқ қўйилсан.

#### 2.2.4. Туксизлантирилган уруғлик чигит тайёрлаш босқичларида назорат турлари

Туксизлантирилган уруғлик чигит тайёрлаш жараёнидаги назорат турлари 8-жадвалда келтирилган.

8-жадвал

#### Технологик жараён босқичларидағи назорат

Намуна олиш ёки параметрларни ўлчаш жойи, жараён босқичларининг номи	Нима назорат қилинади	Назорат усули ва даври	Техник кўрсаткичлари ва меъёри	Назорат синов усули	Ким назорат қиласи
Тукли чигитларни узатиш, тозалаш, саралаш, сақлаш жараёнлари 1.1.2. бўлимда келтирилган.					

1ЛБ линтерида чигитни туксизлантириш машинасидан чиқиш тарновидан намуна олиш	Чигитнинг механик шикастла- нишининг ошиши	Ҳар бир назорат бирлигига	1 % дан ошмасин	ГОСТ 21820.3	Пахта уруғчилиги лаборатори яси
	Туклилиги	-«-	4-6 %	Oz DSt 601	ТНБ
ОС ва УЧДМ туксизлантириш машиналарида чигитни туксизлантириш, чиқиш тарновидан намуна олиш	Чигитнинг механик шикастланишишининг ошиши	Сменада камида 1 маротаба	Oz DSt 663: 2006	ГОСТ 21820.3	Пахта уруғчилиги лаборатори яси
	Туклилиги	Ҳар бир назорат бирлигига	Oz DSt 663: 2006	ГОСТ 21820.3	Пахта уруғчилиги лаборатори яси ТНБ
Чигитни калибрлаш, калибрлагич тарновидан	Калибрлаш сифати	Сменада камида 1 маротаба	Oz DSt 663: 2006	ГОСТ 21820.4	Пахта уруғчилиги лаборатори яси
	Механик шикастланиши	Ҳар бир назорат бирлигига	Oz DSt 663: 2006	ГОСТ 21820.3	Пахта уруғчилиги лаборатори яси
	1000 дона чигитнинг массаси	Сменада камида 1 маротаба	Массаси 3 гр гача кўпайиши.	ГОСТ 21820.3	Пахта уруғчилиги лаборатори яси
Триерда саралаш, уруғлик чигит фракцияси чиқиш тарновидан	Унувчанлиги ва униб чиқиш куввати	Ҳар бир назорат бирлигига	Oz DSt 663: 2006	Oz DSt - 1128	Пахта уруғчилиги лаборатори яси
	Қолган сифатлари Oz DSt 663: 2006	Ҳар бир назорат бирлигига	Oz DSt 663: 2006	Oz DSt- 1080 ва 1128 ГОСТ 21820.2- 21820.4	Пахта уруғчилиги лаборатори яси
Чигитларни дорилаш, қоплаш жойидан	Сифатлари Oz DSt 663: 2006 бўйича	Ҳар бир назорат бирлигига	Oz DSt 663: 2006	Oz DSt- 1080 ва 1128 ГОСТ 21820.2- 21820.4	Пахта уруғчилиги лаборатори яси

### 3. УРУГЛИК ЧИГИТ ДОРИЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Уруглик чигит дорилаш технологиясига қуидаги бир неча операциялар киради: дори эритмаси ёки унинг сувли суспензиясини тайёрлаш, уни дозалаб узатиш, чигитни дозалаб узатиш, чигитга суспензия сепиш, суспензия сепилган чигитларни аралаштириш.

Дори, дорилар омборидан заводнинг транспорт воситалари ёрдамида чигит дорилаш хонасига келтирилади ва бу ерда дори суспензияси тайёрлаш агрегати (баки)га солинади. Бу агрегатда тайёрланган дори суспензияси насос ёрдамида суспензиянинг ишчи (узатувчи) бакига қуйилади.

Дори идишлари эса контейнерга солинади ва ҳар бир тури учун тадбиқ қилинган тартибда йўқотишга (ёқишга) олиб чиқилади.

Дорининг ишчи суспензиясини тайёрлаш унинг таркибий қисмларининг ишлатилиш меъёрига боғлиқ равишда амалга оширилади.

Ишлов берилган чигитлар дорилагич оғзидан ўлчаб жойловчи аппаратлар орқали қопларга тушади, аппарат эса чигитларни белгиланган оғирликдан ошиб кетмайдиган миқдорда уч қаватли кофоз қопларга жойлайди. Кейин қопларнинг оғзи қоп тикувчи машиналар ёрдамида тикилади.

Ўлчаб жойловчи аппарат ва қопларни тикиш жойидаги чанг ҳаво тозалов мосламаси ёрдамида тозаланади.

Дориланган чигитли қоплар ёғоч тагликлар устига тахланиб, цех ичидаги хизмат қилувчи транспорт ёрдамида тайёр маҳсулотлар омборига чиқарилади. Қопларга жойланган дориланган чигитлар ёғоч тагликлар устига бир текис қилиб тахланган ҳолда сақланади.

Дориланган чигитлар цехларнинг беркитиладиган омборларида ва бир текис қилиб тахланган тўдалар ҳолатида сақланиши лозим. Тўдалар орасидаги масофа 1 метрдан кам бўлмаслиги керак.

Уруглик чигит жойлашган омбор хоналари ва бўлинмалари маркировка қилинади ва унда: пахта заводининг номи, тўда тартиб рақами, селекция нави, авлоди, нав тозалиги, чигитнинг унувчанлиги, вазни, ҳосил йили, ишлатилиш муддати (бошланиши, тугаши) кўрсатилган бўлади. Ҳар бир қопга юқорида кўрсатилган маълумотлар ёзилган ёпиштирилади.

Омборлар ва айвонлар тўсиқлар билан бўлмаларга бўлинниши шарт, полга эса чигитнинг ердан намланишига йўл қўймайдиган материал қопланиши зарур.

Уруглик чигитлар жойлашган омбор ва айвонларда ускуналар сақланишига йўл қўйилмайди.

Сақланаётган уруғнинг сифати уруғлик лабораторияси томонидан доимий равишда, камида ҳар икки ойда бир мартадан текшириб турилади.

Уруғлик чигитнинг сақлаш шароити бузилган ва чигитнинг бузилиш хавфи туғилган ҳолларда уюмлар қайтадан тахланади. Бузилган чигитлар бўлса, улар яроқсизга чиқарилади.

Технологик жараённинг бажарилишидаги асосий сифат кўрсаткичлари куйидагича:

Дорилаш тўлиқлиги –  $100 \pm 20\%$ .

Дорилагичга чигитни ва тайёр дорини узатиш нотекислиги  $\pm 5\%$ .

Суспензия концентрацияси нотекислиги -  $\pm 5\%$ .

Дорининг узатилиш нотекислиги -  $\pm 5\%$ .

Технологик ускуналардан атмосферага чиқариб ташланадиган ҳавонинг чангдорлиги руҳсат этилган чегара концентрацияси ошмаслиги, иш зонасидаги ҳавода дорининг миқдори препаратнинг йўриқномасида кўрсатилган миқдоридан кўп бўлмаслиги керак.

Куйида, мисол тариқасида, дорининг ишчи суспензиясини тайёрлаш келтирилган.

Масалан, «П-4, 65 фоизли с.к.», ишчи суспензиясини тайёрлаш учун талаб қилинган миқдордаги (4 литр) препаратни зарур бўлган миқдордаги (тукли чигитни ишлов беришда – 25 л ва туксиз чигитни ишлов беришда – 15 л) сувга қўшиб аралаштирилади. Бунда суспензия (С) сарфи тукли чигитлар учун 29 литрни, туксиз чигитлар учун 19 литрни ташкил этади.

1 тонна чигитга сарфланадиган препарат суспензиясининг хажми номаълум бўлган ҳолларда, бу курсаткични кам миқдорда (1-2 литр) керакли таркибда суспензия тайёрлаб олиб, унинг ҳажмини ўлчаш йўли билан аниқланади.

Дорилаш жараёнини созлаш қуйидаги тарзда бажарилади. Дозалагич ёрдамида дорилагичга юборилаётган чигитнинг тегишли меъёри ўрнатилади. Лозим ҳолларда, дорилагичга келаётган чигитнинг ҳақиқатдаги миқдори ( $\Pi$ ) дозалагичдан маълум вақт бирлиги ичida чиқаётган чигит миқдорини торозида тортиб кўриб, аниқланади. Бунда ўлчашлар сони 3 мартадан кам бўлмаслиги керак.

Сўнгра дорининг ишчи суспензиясининг зарур сарфи ( $R_h$ , л/соат) куйидаги ифода ёрдамида аниқланади:

$$R_h = \Pi \times C \quad (1)$$

бу ерда:  $\Pi$  – чигит узатиш бўйича иш унумдорлиги, т/соат;

$C$  – 1 тонна чигитга суспензия сарфи, л/т.

Ишчи суспензиянинг (1) ифода ёрдамида аниқланган сарфланиш миқдори «Р» вентил ёрдамида (ёки маҳсус дозатор ёрдамида) ростланиб қўйилади. Бунинг учун маълум вақт -  $t$  давомида дорилагичга системадан узатиладиган суспензия ўлчагич идишга қўйилади ва (2) ифода ёрдамида сарфланиш миқдори аниқланади:

$$P = 3600 \times W/t; \quad (2)$$

бу ерда –  $W$  - тония вақтда қўйилган суспензия хажми (л).

Суспензиянинг сарфланиш миқдори ( $P$ ) ни аниқлаш уч марта такрорланади. Агар суспензия сарфининг ҳақиқий миқдори «Р» 1-нчи ифодадаги Рн нинг қийматидан 5 фоиздан кўпга фарқ қиласа, суспензия сарфини қайта созлаш лозим.

Чигит узатиш бўйича иш унумдорлиги ёки суспензия сарфининг миқдори иш тартиби ўзгарганлиги сабабли ўзгарса, яна қайтадан юқорида кўрсатиб ўтилган тартибда назорат ўлчашлар ўтказилиши керак. Ҳамма ускуналар бир меъёрда ишлайдиган ҳолатларда чигит узатиш бўйича иш унумдорлиги ва суспензия сарфи ҳар сменада камида 3 мартадан ўлчаниб турилади.

9-жадвалда ускуналарда юз бериши мумкин бўлган носозликлар ва уларни бартараф қилиш усууллари келтирилган. 10-жадвалда эса уруғлик чигитни дорилаш технологик жараёни босқичларида ишлаб чиқаришни назорат қилишининг асосий турлари келтирилган.

#### 9-жадвал

Ускуналарда юз бериши мумкин бўлган носозликлар, уларнинг сабаблари ва бартараф этиш усууллари

Носозликларнинг тури ёки кўриниши	Носозликларнинг келиб чиқиш сабаблари	Носозликларни бартараф этиш усууллари
Суспензия сочилмайди.	Магистрал қувур тиқилиб қолган. Сочқич (форсунка) ифлосланган. Дорилагич дозатори яхши ишламаяпти.	Магистрал қувур тозалансин. Сочқич (форсунка) тозалансин. Бирлик вақт ичida узатилаётган материални ўлчаш билан дозатор ишини текширинг ва созланг.
Дорилаш нотекис бўлмоқда.		
Уруғлик дориланмаяпти.	Дозатор ишламаяпти.	Носозликни бартараф этинг ва дозаторни ишга туширинг.

**Уруғлик чигит дорилаш технологик жараёни босқичларида  
ишлаб чиқарышни назорат қилишнинг асосий турлари**

Жараёнлар босқичи номи, намуна олиш ёки кўрсаткични ўлчаш жойи	Назорат объекти	Назорат тури ва ўтказилиш вақти	Меъёрлар ва техник кўрсаткичлар	Назорат ўтказиш усуллари	Назорат қилувчи
1	2	3	4	5	6
Дастлабки уруглик чигит омбори	Сифат кўрсат- кичлари	Ҳар бир тўдадан	O'zDST 663: 2006	O'zDST 1080 ва 1128:2006 ГОСТ 21820.2- 21820.4	Уруғлик лабора- торияси
Чигитни ишлаб чиқаришга узатиш	Ишлов беришга тушаётга н чигит микдори	Ҳар бир тўдадан	Иш унумдорлиги	Тортиш усули билин	ТНБ, завод ҳосило- ти
Дори суспензиясини тайёрлаш (суспензия тайёрланаётган жойда)	Суспен- зия сифати	Янги дори суспензия си тайёрлаш вақтида	Концентра- цияси	Солинаёт ган дори ва сув нисбатини ўлчаш йўли билан	ТНБ, завод ҳосило- ти, Ўсим ликларн и ҳимоя қилиш бўлими
Дориланган уруглик чигит	Ҳамма сифат кўрсат- кичлари	Смена давомида 1 мартадан кам бўлмаган микдорда	O'zDST 663: 2006	O'zDST 1080 ва 1128:2006 ГОСТ 21820.2- 21820.4	Уруғлик лабора- то- рияси

**4. ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ҲАТАРСИЗ ОЛИБ БОРИШНИНГ  
АСОСИЙ ТАЛАБЛАРИ**

Уруғлик чигит тайёрлаш цехларининг ишлаб чиқариш жараёнлари ишлаб чиқариш корхоналарини лойиҳалаш санитар талаблари СН-245 меъёрларига, технологик жараёнларни ташкил қилиш ва ишлаб чиқариш асбоб-ускуналарига қўйиладиган гигиеник талабларга, амалдаги қурилиш

мөйёри ва қоидалари (СНиП)га, ёнгинга қарши кураш қоидаларига жавоб берипши керак.

Ишлабётганларни хатарли ва заарали ишлаб чиқариш факторларидан сақлаш чоралари пахта тозалаш заводи ва уруғлик чигит тайёрлаш цехларининг барча технологик жараёнларида ҳисобга олининиши керак.

Ишлаб чиқариш хоналарининг иш зоналарида ҳарорат, нисбий намлик ва ҳавонинг ҳаракат тезлиги ГОСТ 12.1.005 нинг 1 бўлимида кўрсатилган мөйёrlарга, иш жойларидаги товуш кучлилиги ГОСТ 12.1.003 га, ёруғлик ва иш жойларидаги ёритилганлик пахта заводларидаги тармоқ ёритилганлик мөйёрига тўғри келиши керак. Чанг ажралиши билан боғлик бўлган жараёнлар зич беркитиш воситалари билан чанг чиқадиган жой эса ҳаво сийраклатгич (аспирация) лари билан таъминланиши керак.

Технологик жараёнларни устидан назорат текширилган, хавфсизликни ва кузатиш қулайлигини ҳисобга олиб ўрнатилган назорат ўлчов асбоблари билан олиб борилади.

Ишлаб чиқариш жараёнларини ташкил қилиш ишлабётганларни электр токи таъсиридан ҳимоя қилишни таъминлайдиган техник восита ва ташкилий чораларни ГОСТ 12.1.019 ва ГОСТ 12.1.030 лар бўйича кўзда тутмолги керак.

Ҳаво йўллари ва ҳаво системаларида, технологик машиналар ва бошқаларда авария ёнгин ҳолати вужудга келганда технологик жараён тўхтатилади. Жараённи давом эттириш, авария ҳолати тўхтатилгандан, унинг пайдо бўлиш сабаби аниқлангандан, асбоб-ускунани ишлатиш техник ва ушбу регламент талабларига жавоб берадиган ҳолатга келтирилгандан кейингина рухсат этилади.

Уруғлик чигитни ва тайёрлаш жараёнидан чиқсан чиқиндишларни юклаш-тушириш, асбоб-ускуналарига солиш, ташиб ишлари механизациялашган бўлиши керак. Ишлаб-чиқариш категорияси ёнгинга қарши мөйёrlарига қурилиш лойиҳалаш ва хоналар синфиға биноан электр қурилмалари қоидалари (ПЭУ) га мувофиқ қолиши шарт. Уруғлик чигитни тайёрлашда портлаш, ёнгин, заҳарланиш ва бошқаларни пайдо бўлишини олдини оладиган маҳсус чоралар ҳисобга олинган бўлиши керак.

Ишлаб чиқарипши, биринчи ва кейинги юргизиш, уни авария ҳолатларида тўхтатиш, таъмирлашни тайёрлаш ва ўтказиш, асбоб-ускуналарнинг ҳар бир турини ишлатиш ва ТО асосий қоидалари маҳсус қўлланмасида кўрсатилган бўлиши керак.

Дори суспензиясини тайёрлаш жойи бошқа бўлимлардан ажратилган бўлиши керак.

## Адабиётлар

1. Пахтани дастлабки ишлаш бўйича справочник. Ф.Б. Омоновнинг умумий таҳрири остида “Paxta tozalash ПChB” ОАЖ жамоаси томонидан тайёрланган. «Voris-nashriyot» MChJ, 2008 й, 410 в.
2. Пахтани дастлабки қайта ишлаш. Ўқув Қўлланма. Э.Зикриёевнинг умумий таҳрири остида. Ташкент, "Мехнат", 2002, 400 в.
3. Технологический регламент переработки семенного хлопка-сырца и подготовки посевных семян хлопчатника ОАО НПЦ "Paxtasanoatilm", ПДКИ 44-2002.
4. Уруғлик чигит. Техникавий шартлар. О'з Dst 663:2006, Тошкент, Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификациялаш агентлиги, 2006, 11 в.
5. Уруғлик пахта ва уруғлик чигит. Намуна танлаб олиш усуслари. О'з Dst 1080:2005, Тошкент, Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификациялаш агентлиги, 2005, 14 в.
6. Уруғлик чигитни дорилаш бўйича тавсиянома. ОАЖШ "Paxtasanoatilm" ИИЧМ, ПДКИ 43-2002.
7. Справочник по хлопководству. - Ташкент: Узбекистан, 1981 -437 с.
8. Уруғлик чигит тайёрлаш технологик регламенти, “Paxtasanoat ilmiy markazi” ОАЖ, ПДИ 07-2008.

## МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	4
1. ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ УМУМИЙ ХАРАКТЕРИСТИКАСИ.....	4
1.1. Уруғлик чигитларнинг сифат кўрсаткичлари.....	5
2. УРУҒЛИК ЧИГИТ ТАЙЁРЛАШ.....	9
2.1. Тукли уруғлик чигит тайёрлаш.....	10
2.1.1. Тукли уруғлик чигит тайёрлашда ишлатиладиган асосий технологик ускуналарнинг имконий носозликлари ва уларни бартараф қилиш усуллари.....	12
2.1.2. Тукли уруғлик чигит тайёрлаш босқичларида назорат турлари.....	14
2.2. Туксизлантирилган уруғлик чигитларни тайёрлаш.....	15
2.2.1. Икки босқичли туксизлантириш услуби билан туксизлантирилган уруғлик чигит тайёрлаш.....	16
2.2.2. Бир босқичли туксизлантириш услубини қўллаб туксизлантирилган уруғлик чигит тайёрлаш.....	18
2.2.3. Туксизлантирилган уруғлик чигит тайёрлашда ишлатиладиган асосий технологик ускуналарнинг имконий носозликлари ва уларни бартараф қилиш усуллари.....	19
2.2.4. Туксизлантирилган уруғлик чигит тайёрлаш босқичларида назорат турлари.....	22
3. УРУҒЛИК ЧИГИТ ДОРИЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИ.....	24
4. ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ҲАТАРСИЗ ОЛИБ БОРИШНИНГ АСОСИЙ ТАЛАБЛАРИ.....	28
Адабиётлар.....	30